

«ToshuyjoyLITi» АЖ
акциядорлари умумий йиғилишининг
2022 йил 30 июндаги
қарори билан
«ТАСДИҚЛАНГАН»

**«TOSHUYJOYLITi»
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ
АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ
ЙИҒИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ
НИЗОМИ**

МУНДАРИЖА

- I. Умумий қоидалар
- II. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатлари ва қарорларни қабул қилиш
- III. Акциядорлар умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқи. Акциядорларни ва уларнинг ваколатли вакиллари рўйхатдан ўтказиш
- IV. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриш
- V. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриш
- VI. Акциядорлар умумий йиғилиши кворуми
- VII. Акциядорлар умумий йиғилишнинг ишчи органлари
- VIII. Акциядорлар умумий йиғилишни олиб бориш тартиби
- IX. Акциядорлар умумий йиғилиши баёни
- X. Акциядорлар умумий йиғилиши қарорларини бажариш

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур низом «ToshuyjoyLITI» АЖ нинг акциядорлари умумий йиғилиши мавқеини белгилайди ва унинг ишини, уни ўтказиш ва қарорлар қабул қилинишини тартибга солади.

1.2. Мазкур низом Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жаимятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги Қонуни, Корпоратив бошқарув кодекси ва Қоидалари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва «ToshuyjoyLITI» АЖ нинг (матн бўйича —Жамият) уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.3. Жамият ҳар йили акциядорларнинг йиллик (навбатдаги) умумий йиғилишини ўтказиши шарт. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши йил тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Жамият акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши одатда ҳар йили май ойининг 01 санасидан 31 санасигача бўлган давр оралиғида ўтказилади.

1.4. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Жамиятнинг кузатув кенгашини ва Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш тўғрисидаги, Жамиятнинг Бош директори билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш масалалари ҳал этилади, шунингдек, Жамиятнинг йиллик ҳисоботи, Кузатув кенгаши ва Ижроия органининг Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари ва мазкур низомнинг **2.1.** бандида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар кўриб чиқилади.

1.5. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан бошқа ўтказиладиган йиғилишлар навбатдан ташқари йиғилишлар ҳисобланади.

1.6. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати Жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

1.7. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш чоғида умумий йиғилишда, кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш ва овозга қўйилган масалалар бўйича қарорлар

қабул қилишда иштирок этиш имкониятини берадиган ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланилиши мумкин.

1.8. Барча оддий акциялар битта акциядорга тегишли бўлган тақдирда акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилмайди. Жамият устави ва ушбу Низом билан акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар бундай акциядор томонидан яқка тартибда қабул қилинади ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилади. Бунда қонунчилик ва ушбу низомда кўзда тутилган акциядорлар умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш, уни чақириш ва ўтказиш тартибини ҳамда муддатларини белгиловчи қоидалари қўлланилмайди, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш муддатларига тааллуқли қоидалар бундан мустасно.

II. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНING ВАКОЛАТЛАРИ, АКЦИЯДОРЛАРНИ ВА УЛАРNING ВАКОЛАТЛИ ВАКИЛЛАРИНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ

2.1. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- а) Жамият Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамият янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш, Жамиятнинг Устав фонди миқдорини қўшимча акциялар жойлаштириш йўли билан кўпайтириш ва Жамият Уставига устав фондини кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бундан мустасно;
- б) Жамиятни қайта ташкил этиш;
- в) Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- г) Жамият Кузатув кенгашининг сони ва таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш. Кузатув кенгаши аъзоларига мукофот ва компенсациялар тўлаш;
- д) эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
- е) Жамиятнинг Устав фондини камайтириш;
- ж) ўз акцияларини қайтариб сотиб олиш;
- з) Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, Жамият ижроия органи фаолияти тартибини белгилаб берувчи Низомни тасдиқлаш;
- и) Жамият Бош директорини сайлаш (тайинлаш, ёллаш) ва унинг ваколатини муддатидан илгари тугатиш. Жамият Бош директорига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг энг юқори чегарасини белгилаш. Жамият Бош директорини тайинлаш тўғрисидаги қарор, одатда, хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилинади;
- к) Жамиятнинг молиявий йил якуни бўйича соф фойдадан тўланадиган рағбатлантирувчи тўловлар миқдорларини белгилаш;
- л) Жамият Тафтиш комиссиясини сайлаш ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек Тафтиш комиссия тўғрисидаги низомни тасдиқлаш. Тафтиш комиссияга мукофот ва компенсациялар тўлаш;
- м) Жамиятнинг йиллик ҳисоботини, йиллик Бизнес режасини, шунингдек Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда Жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;
- н) Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;
- о) Жамият Кузатув кенгашининг ва Тафтиш комиссиянинг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият Кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва Тафтиш комиссиянинг хулосаларини эшитиш;
- п) акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

- р) мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;
- с) акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;
- т) қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда йирик битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;
- у) қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;
- ф) дивидендлар тўлаш тўғрисида қарорни қабул қилиш, акцияларнинг ҳар бир тоифаси ва тури бўйича дивиденд миқдори, тўлов шакли ва тартибини белгилаш;
- х) Ижроия органининг аффилиланган шахслар билан ва йирик битимларни мустақил амалга ошириши учун Жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни аниқлаш
- ц) Корпоратив бошқарув кодекси ва корпоратив бошқарув қоидалари тавсияларига риоя этиш мажбуриятини олиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва хабарни ошкор қилиш шаклини тасдиқлаш;
- ч) Жамиятнинг бошқарув органлари тўғрисидаги, шу жумладан ички назорат, дивиденд сиёсати тўғрисидаги, манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги низомларини тасдиқлаш;
- ш) Ҳар йили мустақил профессионал ташкилотлар – маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда бизнес-жараёнлар ва лойиҳаларнинг Жамиятнинг ривожланиш мақсадларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- щ) Ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш, уларни амалга ошириш ваколатини кузатув кенгашига бериш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- ы) Электрон почта орқали (электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда), шунингдек, ўз ваколатини вакилга бериш йўли билан овоз бериш ёки умумий йиғилишни видеоконференц-алоқа тарзида ўтказиш тартибини белгилаш (тасдиқлаш);
- э) Санок комиссиясига амалий кўмак кўрсатиш ёки унинг функциясини бажариш учун мустақил экспертларни жалб этиш (масалан, инвестиция маслаҳатчиси ёки қимматли қоғозлар бозорининг бошқа профессионал иштирокчиси) тартибини белгилаш (тасдиқлаш);
- ю) Жамият маблағлари ҳисобидан миноритар акциядорлик қўмитасини сақлаш харажатини қоплаш (миноритар акциядорлик қўмитаси тузилган тақдирда) тартибини белгилаш (тасдиқлаш);
- я) Акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳисобот берувчи Жамият бошқарув ва назорат органлари маърузалари (ҳисоботлари) шакли ва мазмунига бўлган талабларни ўрнатиш, акциядорлар умумий йиғилиши давомийлигини белгилаш;
- аа) Акциядорларнинг умумий йиғилишида шахсан иштирок эта олмайдиган акциядорлар учун электрон почта орқали (электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда), шунингдек, ўз ваколатини вакилга бериш йўли билан овоз бериш ёки умумий йиғилишни видеоконференц-алоқа тарзида ўтказиш имконияти ва шароитини яратиш;
- бб) қонунчиликда, Жамият Уставида ва мазкур Низомда кўзда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

2.2. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамиятнинг Кузатув кенгаши ва ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

2.3. Акциядорларнинг умумий йиғилиши кузатув кенгаши аъзолари, Жамият акциядорлари, бошқарув ва назорат органи аъзолари ўртасида ўзаро ишонч, ҳурмат, ҳисобдорлик ва назорат тамойиллари асосидаги ҳамкорликни таъминлайди.

III. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИДА ҚАТНАШИШ ҲУҚУҚИ

- 3.1.** Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан уч иш куни олдин шакллантирилган Жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.
- 3.2.** Жамият акциядорнинг талабига кўра акциядорга у акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Жамият акциядорларининг реестрига киритилганлиги тўғрисида ахборот тақдим этиши шарт.
- 3.3.** Жамият акциядорларининг шакллантирилган реестрига ўзгартиришлар фақат реестр тузилган санада кўрсатиб ўтилган реестрга киритилмаган шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланган ёки уни тузишда йўл қўйилган хато тузатилган тақдирда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда киритилиши мумкин.
- 3.4.** Умумий йиғилишда қатнашиш учун акциядорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари йиғилиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган жой ва вақт бўйича рўйхатдан ўтишлари керак.
- 3.5.** Жамият акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар, уларни ваколатли вакиллари, санок комиссияси, ички аудит хизмати ходимлари, аудиторлик текширувини ўтказган аудиторлик ташкилотининг вакили, кузатув кенгаши ва ижроия органи аъзолари, Тафтиш комиссияси, шунингдек, миноритар акциядорлар қўмитаси (мавжуд бўлганда) ва бошқалар кузатув кенгаши раисининг таклифига биноан акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга.
- 3.6.** Жамиятнинг кузатув кенгаши, ижроия органи аъзолари ва Тафтиш комиссияси, шунингдек, аудиторлик текширувини ўтказган аудиторлик ташкилотининг вакили акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида ўз органи ҳисоботи билан иштирок этиши шарт.
- 3.7.** Жамиятнинг кузатув кенгашига, Тафтиш комиссиясига ва Бош директор лавозимига номзодлари кўрсатилган шахслар ўз номзодларининг кўриб чиқилиши белгиланган акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиши мумкин.
- 3.8.** Акциядорнинг вакили акциядорларнинг умумий йиғилишида ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида иш юритади. Овоз беришга доир ишончномада ваколат берган ва вакил қилинган шахс тўғрисидаги маълумотлар (исми-шарифи ёки номи, яшаш жойи ёки жойлашган ери, паспортига оид маълумотлар) бўлиши лозим. Жисмоний шахс вакилининг ишончномаси нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши шарт. Юридик шахс вакилининг ишончномаси ушбу юридик шахс раҳбарининг имзоси ёки ва юридик шахснинг муҳри билан тасдиқланган ҳолда берилади.
- 3.9.** Акциядор акциядорларнинг умумий йиғилишидаги ўз вакилини исталган вақтда алмаштиришга ёки йиғилишда шахсан ўзи иштирок этишга ҳақлидир.
- 3.10.** Умумий йиғилишда қатнашиш учун келган жисмоний шахслар бўлган акциядорларни рўйхатдан ўтказиш паспорт ёки акциядорнинг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат кўрсатилгач, вакилга нисбатан эса нотариал тартибда тасдиқланган ишончнома кўрсатилгач амалга оширилади.
- 3.11.** Юридик шахс (Жамият акциядори) раҳбари умумий йиғилишдаги ўз ваколатларини лавозимга тайинлаш тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжат ҳамда шахсни тасдиқловчи ҳужжат асосида амалга оширади.
- 3.12.** Юридик шахснинг (Жамият акциядорининг) вакили акциядорлар умумий йиғилишида ушбу юридик шахс раҳбарининг имзоси ёки бунга таъсис ҳужжатлари билан вакил қилинган бошқа шахснинг имзоси ва юридик шахснинг муҳри билан тасдиқланган унинг номига берилган ишончнома мавжуд бўлган тақдирда қатнашиши мумкин.

3.13. Агар Жамиятнинг акцияси бир нечта шахснинг умумий улушли мулкида бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ваколатлари уларнинг хоҳишига кўра умумий улушли мулк иштирокчиларидан бири ёки уларнинг умумий вакили томонидан амалга оширилади. Кўрсатиб ўтилган ҳар бир шахснинг ваколатлари тегишли тарзда расмийлаштирилган бўлиши керак.

3.14. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Жамият акциядорлари реестрига мувофиқ ушбу Низомнинг 1-иловасидаги шакл бўйича қайд этиш рўйхати тузилади.

3.15. Қайд этиш рўйхати рисола ҳолига келтирилган, тартиб рақами қўйилган, ип ўтказиб тикилган ва Жамият муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.

3.16. Умумий йиғилишни ўтказишда акциядорлар (уларнинг вакиллари) қайд этиш рўйхатига имзо чекадилар ва Жамият акциядорлари реестри маълумотлари бўйича белгиланган ҳар бир акциядорнинг овоз берувчи акциялари сонидан келиб чиқиб овоз бериш учун бюллетенлар тўпламини оладилар (2илова).

3.17. Агар йиғилиш қатнашчиси бир ёки бир неча акциядорнинг манфаатларини ифодалашга ишончнома тақдим этса, у ҳолда унга у ифодалаётган акциядор (акциядорлар) учун овоз беришга бюллетен берилади, рўйхатдан ўтиш рўйхатида эса у ифодалаётган акциядорнинг фамилияси қаршисига «_____та (сони) овоз берувчи акциялар бўйича «_____» да берилган ишончнома бўйича» деган ёзув қайд этилади ҳамда вакилнинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилади.

IV. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ЙИЛЛИК УМУМЙ ЙИҒИЛИШINI ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ

4.1. Акциядорларнинг умумий йиғилишини _____ ушбу низомнинг _____ 1.3-бандида белгиланган муддатда ўтказиш ва сифатли тайёргарлик кўриш учун Жамият ижроия органи куйидагиларни амалга оширади:

- *Акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан танланган аудиторлик ташкилоти билан мажбурий аудит текширувини ўтказиш учун шартнома тузиш, шунингдек, халқаро молиявий ҳисоботлар стандартларига асосан молиявий ҳисоботларни тузиш, халқаро молиявий ҳисоботлар стандартларига мувофиқ ташқи аудит ўтказиш бўйича шартномада текширув тугашининг аниқ муддатини кўрсатиш;*

- *халқаро молиявий ҳисоботлар стандартларига мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботларни ташқи аудит ўтказилгандан кейин ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш белгиланган санадан икки ҳафта олдин эълон қилинишни таъминлаш;*

Шунингдек, Жамият ижроия органи куйидагиларни ишлаб чиқади (тайёрлайди):

- *умумий йиғилишни ўтказиш регламенти, соф фойдани тақсимлашда (зарарларни қоплаш) ҳар бир йўналишининг асосланишини ва умумий йиғилишида кўриб чиқиладиган бошқа ҳужжатлар, шунингдек, санақ комиссиясини тузиш бўйича таклифлар лойиҳаси. Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритиш учун, шунингдек, Жамият кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссиялигига кўрсатилган номзодлар ва бошқа маълумотлар тўғрисидаги акциядорларнинг таклифларини умумлаштириш;*

- *Жамиятнинг йиллик ҳисоботи ва йиллик бизнес-режаси, шунингдек Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда Жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришининг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини;*

- *Жамиятнинг бизнес-режаси кўрсаткичларининг бажарилиши ва ривожлантириши стратегиясига эришиши бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида Жамият ижроия органининг ҳисоботи, мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиши учун аудиторлик ташкилотини танлаш бўйича танлов ўтказиши;*

4.2. Жамият ижроия органи ушбу низомнинг 4.1 – банди иккинчи қисмида кўрсатилган материалларни ишлаб чиққандан (тайёрлагандан) кейин, уларни кўриб чиқиш учун кузатув кенгаши муҳокамасига киритади.

4.3. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда Жамиятнинг кузатув кенгаши қуйидагиларни белгилайди:

- *умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни;*
- *умумий йиғилишининг кун тартибини;*
- *умумий йиғилишини ўтказиши ва акциядорларни хабардор қилиши учун Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган санани;*
- *умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар қилиши тартибини;*
- *умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этиладиган ахборот (материаллар) рўйхатини;*
- *овоз бериши бюллетенининг шакли ва матнини;*
- *акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши ва овоз бериши, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этиши ва овоз бериши тартиби.*

4.4. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан йигирма бир кундан кам ва ўттиз кундан кўп этиб белгиланиши мумкин эмас.

4.5. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида 21 кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан 30 кун олдин Корпоратив ахборот ягона порталида, жамиятнинг расмий веб – сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади. (2-илова).

4.6. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- *Жамиятнинг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили;*
- *умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жой;*
- *Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана;*
- *умумий йиғилиши кун тартибига киритилган масалалар;*
- *умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга (давлат вакилига) тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) билан акциядорларни ва давлат вакилини таништириши тартиби.*

4.7. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга (давлат вакилига) тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга) Жамиятнинг йиллик ҳисоботи, Жамиятнинг йиллик молия – хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан Жамият Тафтиш комиссиясининг ва аудиторлик ташкилотининг хулосаси, Жамиятнинг кузатув кенгаши ҳамда Тафтиш комиссиясига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, Жамиятнинг уставига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар лойиҳаси ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги устави лойиҳаси ва кун тартиби бўйича бошқа зарур маълумотлар киради.

4.8. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этилиши мажбурий бўлган қўшимча ахборотнинг (материалларнинг) рўйхати қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланиши мумкин.

4.9. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгаллик қилувчи акциядорлар (акциядор) Жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин олти кундан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритиш, Жамият кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссиясига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга, номзодларни умумий йиғилиш ўтказилгунга қадар алмаштириш имконияти билан таклиф киритиш ҳуқуқига эга.

4.10. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига масала уни қўйиш сабаблари, масалани киритаётган акциядорларнинг (акциядорнинг) исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда киритилади.

4.11. Жамият кузатув кенгашига ва Тафтиш комиссиясига номзодлар кўрсатиш тўғрисида таклифлар киритилганда, шу жумладан ўзини ўзи номзод қилиб кўрсатилган тақдирда номзоднинг исми-шарифи, унга тегишли акцияларнинг сони ва тури (агар номзод Жамият акциядори бўлса), шунингдек номзодни кўрсатаётган акциядорларнинг исми – шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилади.

4.12. Жамиятнинг кузатув кенгаши тушган таклифларни кўриб чиқиши ҳамда мазкур низомнинг 4.9. бандда белгиланган муддат тугаганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай уларни акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритиш тўғрисида ёки мазкур кун тартибига киритишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши шарт.

4.13. Акциядорлар (акциядор) томонидан киритилган масала акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига, худди шунингдек кўрсатилган номзодлар Жамиятнинг кузатув кенгашига ва Тафтиш комиссиясига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритилиши керак, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- *ушбу низомнинг 4.9. бандида белгиланган муддатга акциядорлар (акциядор) томонидан роия этилмаган бўлса;*
- *акциядорлар (акциядор) Жамиятнинг ушбу низомнинг 4.9. бандида назарда тутилган миқдордаги овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;*
- *ушбу низомнинг 4.10. бандида назарда тутилган маълумотлар тўлиқ бўлмаса;*
- *таклифлар қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлмаса.*

4.14. Акциядорлар (акциядор) Жамият кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссиясига ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ўзгартиришлар киритишга ҳақли.

4.15. Жамият кузатув кенгашининг масалани акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига ёки номзодни Жамият кузатув кенгашига ва Тафтиш комиссиясига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги асослантирилган қарори масалани киритган ёки таклиф тақдим этган акциядорларга (акциядорга) қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай юборилади.

4.16. Жамият кузатув кенгашининг масалани акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига ёки номзодни Жамият кузатув кенгашига ва Тафтиш комиссиясига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

V. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШНИ ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ

5.1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра:

- *унинг ўз ташаббуси асосида;*
- *Тафтиш комиссиясининг ёзма талаби;*
- *ёзма талаб тақдим этилган санада Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида (5-илова) ўтказилади.*

5.2. Кузатув кенгаши ваколатларини муддатидан илгари тугатиш масаласи бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги асосий талаблари қуйидагилардан иборат:

- *Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Жамият устави ва умумий йиғилиш қарорларига риоя қилмаслик;*
- *акциядорларнинг мулкӣ ҳуқуқларига зарар келтириш ва Жамиятга зиён келтириш, шунингдек, молиявий-хўжалик фаолиятининг ёмонлашуви, Жамият фойдаси ва рентабеллигининг пасайиши, иш ва хизматлар реализациясини асоссиз қисқартирилиши билан боғлиқ;*

5.3. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабда йиғилиш кун тартибига киритилиши керак бўлган масалалар уларни киритиш сабаблари кўрсатилган ҳолда таърифланган бўлиши керак.

5.4. Агар навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш кузатув кенгаши ваколатларини муддатидан илгари тугатиш масаласини киритиш белгиланган тақдирда, шундай йиғилиш кун тартибига кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш масаласи тўғрисидаги таклифлар киритилган бўлиши шарт.

5.5. Жамият Тафтиш комиссиясининг ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш ҳақида ёзма талаб тақдим этилган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай Жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

5.6. Жамиятнинг кузатув кенгаши Жамият Тафтиш комиссиясининг ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра чақириладиган акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибидаги масалаларнинг таърифига ўзгартиришлар киритишга ҳақли эмас.

5.7. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талаб акциядордан (акциядорлардан) чиққан тақдирда, бу талабда умумий йиғилишни чақиришни талаб қилаётган акциядорнинг (акциядорларнинг) исми-шарифи (номи), унга тегишли акцияларнинг сони, тури кўрсатилган бўлиши лозим.

5.8. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талаб акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилган шахс (шахслар) томонидан имзоланади.

5.9. Жамиятнинг Тафтиш комиссияси ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) акциядорларнинг навбатдан ташқари

умумий йиғилишини чақириш тўғрисида талаб тақдим этган санадан эътиборан ўн кун ичида Жамият кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида ёки йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши керак.

5.10. Жамият Тафтиш комиссиясининг ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳолларда қабул қилиниши мумкин, агар:

- *акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилаётган акциядор (акциядорлар) ушбу низомнинг 5.1. бандида назарда тутилган миқдордаги Жамият овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;*
- *кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масалалардан бирортаси ҳам акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига кирмаса;*
- *кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масала қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлмаса.*

5.11. Жамият кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги қарори ёки бундай йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақидаги асослантирилган қарори йиғилиш чақиришни талаб қилган шахсларга қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай юборилади.

5.12. Жамият кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

5.13. Жамият кузатув кенгаши ушбу низомнинг 5.9. бандида белгиланган муддат ичида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилмаган тақдирда ёки уни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилган тақдирда, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши уни чақиришни талаб қилган шахслар томонидан чақирилиши мумкин. Бундай ҳолларда акциядорларнинг умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрни акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра Жамиятнинг маблағлари ҳисобидан қопланиши мумкин.

5.14. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказишга Жамият кузатув кенгаши ёки акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилган шахслар қонунчиликда ва ушбу Низомда ўрнатилган тартибда тайёргарлик кўради.

VI. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ КВОРУМИ

6.1. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

6.2. Агар йиғилиш бошланиши белгиланган вақтдан олтмиш минутдан ортиқ вақт давомида акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказишда кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

6.3. Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йиғилиши ўрнига чақирилган такрорий умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами қирқ фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилиши ваколатли бўлади.

6.4. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабар ушбу низомда ва Жамиятнинг Уставда назарда тутилган тартибда, шаклда ва муддатларда амалга оширилади.

6.5. Кворум бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси йигирма кундан кам муддатга кўчирилган тақдирда, умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланади.

VII. АКЦИЯДОРЛАР УМУМЙ ЙИҒИЛИШНИНГ ИШЧИ ОРГАНЛАРИ

7.1. Қуйидагилар умумий йиғилиш ишчи органлари ҳисобланади: йиғилиш раиси, санок комиссияси, котиб (котибият).

7.2. Акциядорлар умумий йиғилиши раиси акциядорлар умумий йиғилишида сайланади. Акциядорларнинг умумий йиғилишини Жамият кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Жамият кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

7.3. Акциядорлар умумий йиғилиши раиси йиғилиш раёсатига бошчилик қилади, йиғилиш олиб борилишини таъминлайди ва ўз вазифаларини бажариш учун зарур бўлган барча ваколатларга эга бўлади.

7.4. Умумий йиғилиш раиси йиғилиш ўтишига раҳбарлик қилади, ишчи органлари ишини мувофиқлаштиради, масалаларни муҳокама қилиш тартибини белгилайди, маърузачиларнинг нутқ сўзлашлари вақтини чегаралайди, йиғилишни олиб бориш ва овоз бериш давомида тушунтиришлар беради, залда тартиб ўрнатилишини назорат қилади.

7.5. Акциядорларнинг талабларига кўра, умумий йиғилиши раиси акциядорлар умумий йиғилишининг аудио-видео ёзуви ва интернет тармоғидаги трансляциясига рухсат бериш ваколатига эга. Умумий йиғилиш раиси йиғилиш баённомасини имзолайди.

7.6. Овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун Жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

7.7. Санок комиссиясининг функциясини бажариш учун жалб этилган мустақил экспертлар санок комиссияси ишини амалга ошириши мумкин.

7.8. Санок комиссиясининг таркиби камида уч кишидан иборат бўлиши керак. Санок комиссияси таркибига Жамият кузатув кенгашининг аъзолари, Тафтиш комиссияси, Жамият Бош директори, шунингдек ана шу лавозимларга номзоди кўрсатилган шахслар кириши мумкин эмас.

7.9. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш «Жамиятнинг овоз берувчи битта акцияси — битта овоз» принципи бўйича амалга оширилади, Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш бўйича кумулятив овоз беришни ўтказиш ҳоллари бундан мустасно.

7.10. Акциядорларнинг умумий йиғилишида кун тартиби масалалари бўйича овоз бериш овоз бериш бюллетенлари орқали амалга оширилади. Акциядорларнинг умумий

йиғилишида кун тартибидаги масалалар бўйича ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб овоз берилганда овоз бериш бюллетенларидан фойдаланилмайди. Бунда овозга қўйилган масалалар бўйича қабул қилинган қарорнинг қонунийлиги акциядорни акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатга олишда фойдаланиладиган электрон рақамли имзо билан тасдиқланади.

7.11. Овоз берилганида овоз берувчи қайси масала бўйича эҳтимол тутилган овоз бериш вариантларидан фақат биттасини қолдирган бўлса, ўша масала бўйича берилган овозлар ҳисобга олинади. Мазкур талабни бузган ҳолда тўлдирилган овоз бериш бюллетенлари ҳақиқий эмас деб топилади ва улардаги масалалар бўйича берилган овозлар ҳисобга олинмайди.

7.12. Агар овоз бериш бюллетенида овозга қўйилган бир нечта масала кўрсатилган бўлса, бир ёки бир нечта масалага нисбатан ушбу Низомнинг 7.11. бандида кўрсатилган талабга риоя этилмаганлиги бюллетеннинг умуман ҳақиқий эмас деб топилшига сабаб бўлмайди.

7.13. Овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун Жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

7.14. Санок комиссияси унга юклатилган вазифаларни бажариш масаласида мустақил иш юритувчи йиғилишнинг ишчи органи ҳисобланади.

7.15. Санок комиссияси ваколатларининг муддати у акциядорлар умумий йиғилиши томонидан сайланган пайтдан бошлаб акциядорларнинг тегишли йиғилиши (йиллик ёки навбатдан ташқари) томонидан санок комиссиясининг янги таркиби сайланиши (ёки қайта сайланиши) пайтигача амал қилади.

7.16. Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриш пайтида санок комиссияси кузатув кенгашининг топшириғига кўра қуйидаги функцияларини амалга оширади:

- *акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатини тузади;*
- *овоз бериш бюллетенларини ва умумий йиғилишнинг бошқа материалларини беради ва юборади, берилган (юборилган) бюллетенлар ҳисобини олиб боради.*
- *умумий йиғилишида қатнашиш учун акциядорларни (уларнинг вакилларини) рўйхатдан ўтказиши;*
- *ишончномалар ва улар томонидан бериладиган ҳуқуқлар ҳисобини юритади;*
- *овоз бериш бюллетенларини ва умумий йиғилишнинг бошқа ахбороти (материаллари)ни тарқатади;*
- *акциядорлар умумий йиғилиши кворуми бор ёки йўқлигини аниқлайди.*
- *акциядорлар (уларнинг вакиллари) томонидан умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқини амалга ошириш муносабати билан пайдо бўлувчи масалаларни тушунтиради;*
- *овоз беришига қўйилаётган масалалар бўйича овоз бериш тартибини тушунтиради;*
- *овоз беришнинг белгиланган тартибини ва акциядорларнинг овоз беришида қатнашиши ҳуқуқини таъминлайди;*
- *овозларни санайди ва овоз бериш яқунларини чиқаради;*
- *овоз бериш яқунлари тўғрисида баённома тузади;*
- *овоз бериш бюллетенларини архивга топширади.*

VIII. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШНИ ОЛИБ БОРИШ ТАРТИБИ

- 8.1.** Акциядорлар умумий йиғилишини олиб бориш тартиби акциядорларнинг ҳар бир умумий йиғилишида мазкур низомга мувофиқ тасдиқланади.
- 8.2.** Кузатув кенгаши раиси умумий йиғилишнинг раёсатини ва котибини шунингдек зарур бўлган ҳолларда санок комиссиясини янги таркибини сайлашни таклиф этади.
- 8.3.** Умумий йиғилишни олиб бориш тартиби йиғилишнинг бошланиши ва тахминан тамом бўлиш вақтини, нутқлар қанча давом этиши ва танаффусларни, кун тартиби масалаларининг изчиллигини, кун тартиби масалалари бўйича маърузачиларнинг фамилиялари ва лавозимларини, овоз беришни амалга ошириш ва унинг натижаларини эълон қилиш тартибини назарда тутаяди.
- 8.4.** Акциядорларнинг умумий йиғилишида Жамият кузатув кенгашининг, ижроия органининг мукофот ва компенсациялари миқдори, шунингдек, тақсимлашга таклиф этилаётган соф фойда, дивидендлар миқдорининг асосланиши, уларнинг Жамият дивиденд сиёсатига мувофиқлигининг баҳоланиши (зарурат туғилганда соф фойданинг муайян қисмини Жамиятни ривожлантириш эҳтиёжларига йўналтиришнинг тушунтирилиши ва иқтисодий асосланиши) батафсил ошкор этилади (эълон қилинади).
- 8.5.** Акциядорлар умумий йиғилишининг раиси йиғилиш ўтиш пайтида пайдо бўлган масалалар бўйича акциядорлар умумий йиғилишининг ҳар бир қатнашчисига белгиланган вақт доирасида сўзга чиқиш ҳуқуқини беришни яқка ўзи ҳал этади.
- 8.6.** Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишда қатнашиш истагини билдирганлар умумий йиғилиш котибиятига муҳокама қилинадиган масалани кўрсатган ҳолда ёзма талабнома беришлари лозим.
- 8.7.** Жамият акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этувчи шахсга шундай шахс ҳисобидан ўзи тўлдирган бюллетень нусхасини олиши имконини беради.
- 8.8.** Кун тартибининг барча масалалари муҳокама қилингандан кейин раис акциядорлар умумий йиғилишини ёпиқ деб эълон қилади.

IX. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШНИНГ БАЁННОМАСИ

- 9.1.** Умумий йиғилиш котибиятининг сон ва шахсий таркиби акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.
- 9.2.** Умумий йиғилиш котибияти:
- *умумий йиғилишнинг боришини баёнга қайд этиб боради;*
 - *ёзма буюртманомалар бўйича йиғилиш кун тартиби масалаларини муҳокама қилишда қатнашиш истагини билдирувчилар рўйхатини олиб боради;*
 - *умумий йиғилиш тамом бўлгандан сўнг ўн кундан кечиктирмай акциядорлар умумий йиғилиши баёнини икки нусхада тузаяди.*
- 9.3.** Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида:
- *акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилган сана, вақт ва жой;*
 - *Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгаллик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони;*
 - *умумий йиғилишида иштирок этган акциядорлар эга бўлган овозларнинг сони;*
 - *умумий йиғилишнинг раиси (раёсати) ва котиби, йиғилиш кун тартиби;*
 - *маърузаларнинг асосий қоидалари, овозга қўйилган масалалар ҳамда улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари, йиғилиш қабул қилган қарорлар;*
 - *акциядорлар умумий йиғилиши аудио-видео ёзуви ва интернет тармоғидаги трансляцияси орқали ўтган тақдирда, ушбу маълумотлар кўрсатилиши лозим.*

9.4. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин ўн кундан кечиктирмай икки нусхада тузилади. Баённоманинг ҳар иккала нусхаси ҳам умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади.

9.5. Санок комиссияси баёни йиғилишнинг махсус қарори билан тасдиқланмайди, балки маълумот учун қабул қилиниб, умумий йиғилиш баённомасига қўшиб қўйилиши керак.

9.6. Акциядорлар умумий йиғилиши баёни имзолангандан сўнг санок комиссияси йиғилиш ҳужжатларини, шу жумладан умумий йиғилишнинг рўйхатдан ўтиш рўйхатини, санок комиссияси аъзолари томонидан муҳрланган овоз бериш бюллетенларини, овоз бериш яқунлари тўғрисидаги баёнини ва акциядорлар умумий йиғилиши баёнини сақлаш учун Жамият архивига топширади.

Х. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ ҚАРОРЛАРИНИ БАЖАРИШ

10.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш яқунлари акциядорлар эътиборига:

- *акциядорлар умумий йиғилиши тугаганидан сўнг эълон қилиш;*
- *акциядорлар умумий йиғилиши баённомаси тузилган санадан икки иш кунни давомида муҳим факт тўғрисидаги маълумотларни корпоратив ахборотларнинг ягона портали ва Жамиятнинг расмий веб – сайтларида ошкор қилиш йуллари билан етказилади.*

10.2. Жамият Ижроия органи акциядорлар умумий йиғилишининг қарорлари бажарилишини ташкиллаштиради.

10.3. Акциядорлар умумий йиғилиши қарорлари бажарилиши устидан назорат қилишни, башарти йиғилиш қарорида ўзгача ҳол қайд этилмаган ва баёнда акс эттирилмаган бўлса, Жамият кузатув кенгаши амалга оширади.

10.4. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорлари умумий йиғилишда ҳозир бўлган, шунингдек ҳозир бўлмаган барча акциядорлар томонидан, уларга тегишли ва қонунчиликка зид бўлмаган қисми бўйича бажарилиши мажбурийдир.

20__ йил «__» _____ куни бўлиб ўтадиган «ToshuyjoyLIT» АЖ акциядорларининг навбатдаги йиллик / навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этишга ҳақли акциядорлар рўйхати

Акциядорлар рўйхати 20__ йил «__» _____ кунига Марказий рўйхатдан ўтказувчи томонидан шакллантирилган реестр асосида тузилган
Овоз берувчи акциялар сони - _____ дона

№	Акциядор номи	Овоз берувчи акциялар сони	Акциядор имзоси	Акциядор вакили иштирок этганда тўлдирилади				
				Акциядор вакилининг Ф.И.Ш.	Ишончнома рақами	Ишончнома санаси	Овоз берувчи акциялар сони	Вакилнинг имзоси
1	2	3	4	5	6	7	8	9

Жами:

Саноқ комиссияси аъзолари:

«ToshuyjoyLIT» АЖ

20__ йил «__» _____ куни бўлиб ўтадиган навбатдаги йиллик/навбатдан ташқари умумий
йиғилишида овоз бериш учун
_____ Бюллетень

(Акциядорнинг тўлиқ номи)
сони)

(овоз берувчи акциялар

(Акциядор вакилининг тўлиқ номи)

№	Овоз беришга қўйилган ҳар бир масаланинг таърифи	ёқлайман	қаршиман	бетарафман

<p>Қумулятив овоз беришга қўйилган масала <i>Қумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.</i> <i>Қумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони жамиятнинг қузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига қўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир.</i></p> <p>Қумулятив овоз беришдаги акциялар сони _____</p>					
	Номзодлар	Иш жойи	Номзод акциядор бўлган ҳолда, унга тегишли акциялар сони	Акциялар тури	Ёқлайман (овозлар сони қўрсатилсин)

БИЛДИРИШНОМА

«ToshuyjoyLIT» АЖ акциядорларининг диққатига

ҲУРМАТЛИ АКЦИЯДОРЛАР!

«ToshuyjoyLIT» АЖ акциядорларининг навбатдаги йиллик / навбатдан ташқари умумий йиғилиши 20_ йил “__” _____ куни, _____ манзили бўйича ўтказилади.

Йиғилиш соат _____ да бошланади. Акциядорларни руйхатга олиш соат _____ дан бошланади. Умумий йиғилиш ўтказиш учун Жамият акциядорлари реестри 20_ йил “__” _____ ҳолатига тузилади.

Жамиятнинг расмий веб-сайти ва электрон почта манзили:

Йиғилиш кун тартиби:

- 1.
- 2.
- 3.

Акциядорларнинг навбатдаги йиллик / навбатдан ташқари умумий йиғилишида қатнашиш ва овоз бериш учун акциядорларда шахсни тасдиқловчи ҳужжат, акциядорлар вакилларида эса қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома бўлиши лозим.

Акциядорлар умумий йиғилишида кўриб чиқиладиган масалалар бўйича маълумот ва материаллар билан «ToshuyjoyLIT» АЖ да ушбу хабар эълон қилинган кундан бошлаб йиғилиш ўтказиладиган кунга қадар соат _____ дан _____ гача танишиш мумкин.

Маълумот учун телефон: _____

«ToshuyjoyLIT» АЖ

Акциядор _____ нинг Акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига масалани киритиш тўғрисидаги
таклифи

Жами акциялар сони: _____ та

шу жумладан:

овоз берувчи акциялар сони _____ та («ToshuyjoyLIT» АЖ жами овоз берувчи акцияларнинг камида 1%)

имтиёзли акциялар сони _____ та

Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига киритилаётган масала, уни қўйиш сабаблари:

Жамият Кузатув кенгаши таркибига номзодлар (Ф.И.Ш., иш жойи, эгаллаган лавозими, уларга тегишли акциялар сони ва тури):

Жамият Тафтиш комиссияси (Ф.И.Ш., иш жойи, эгаллаган лавозими, унга тегишли акциялар сони ва тури):

«ToshuyjoyLIT» АЖ

Акциядор _____ нинг акциядорларнинг навбатдан ташқари
умумий йиғилишини чақириш ҳақидаги талаби

Жами акциялар сони: _____ та

шу жумладан:

овоз берувчи акциялар сони _____ та («ToshuyjoyLIT» АЖ жами овоз берувчи акцияларнинг камида 1%)

имтиёзли акциялар сони _____ та

Талабнинг мазмуни (акциядорларнинг навбатдан ташқари йиғилиши чақирилишининг сабаби)

Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига киритилаётган масала, уни қўйиш сабаблари:

Жамият Кузатув кенгаши таркибига номзодлар (Ф.И.Ш., иш жойи, эгаллаган лавозими, уларга тегишли акциялар сони ва тури):
